

Сийрат дарслари (106-дарс). Зиқналикдан сақланинг!



13:37 / 16.10.2020 2764

420. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хутба қилдилар: **«Зиқналикдан сақланинг! Албатта, сиздан аввал ўтганлар зиқналик туфайли ҳалок бўлишган. Уларни бахилликка амр қилди, бахиллик қилишди. Уларни алоқаларни узишга амр қилди, алоқаларни узишди. Уларни фожирликка амр қилди, фожирлик қилишди».**

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

421. Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Садақа қилинглар. Бир киши садақасини олиб борса, уни берилган одам: «Агар кеча келганинда қабул қилар эдим. Энди эса, менинг унга ҳожатим йўқ», дейди. Уни қабул қиладиган кимсани топмайди».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

422. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб садақани, ифбатни ва тиланчиликни зикр қилдилар: **«Устки қўл пастки қўлдан яхшидир. Устки қўл нафақа қилувчи, пастки қўл сўровчи»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан